Турмуш чорраҳаларида

# Хотин чиройи эрдан

Рости гап, бир даврада оқилу доно аёллар йиғилишиб қолиб, эркаклар фазилати, аёллар хислати ҳақида узоқ баҳс қилдик. Суҳбатимиз мазмуни қизиқ: вафо-садоқат ва ҳаёсиз кишилар ҳулқи тўғрисида бўлди.

— Эркак — эр киши! Ҳа, бу буюк сўзнинг маъноси теран, мазмуни чуқур, мезони кенг. Оила ва жамият масъулияти ҳам асосан эркаклар зиммасида, — деб гап бошладим. — Она ўзининг оқ сути билан гўдакни оёққа турғизса, ота нону новвот бериб уни оёққа қўяди. У оиласининг ишонган боғи, суянган тоғи, юрагининг устуни. Бош эгаси бор уйнинг файзи, ғурури, қут-баракаси ўзгача. Эркаксиз уй — оловсиз ўчоқ. Бош эгаси бор аёлнинг ташвиши йўқ, юзи ёруғ, тили узун. Аёл киши учун ҳаётнинг мазмуни ва мундарижаси ҳам ана шунда. Ахлоқан соғлом, олижаноб, жиддий, танти эркак ўз жуфти ҳалолини астойдил ҳурмат қилади, умрининг охиригача унга содиқ қолади, ғаддору ғанимлардан уни доимо ҳимоя қилади. Эри яхши хотинлар ҳеч қаришмайди. «Ҳосил чиройи — ердан, хотин чиройи — эрдан».

— Бу дейман, эркакларни жуда кўкларга кўтариб юбордингиз-ку. Мана шундай юксак мақтовга арзийдиган эркаклар кўпми дунёда? — сўрашади даврада ўтирган қадрдон дугоналар.

— Нима десам экан, кўп ҳам, оз ҳам. Лашкарнинг ичида ҳам битта-иккита ногирон бўлади, дейилганидек, ажойиб мардимайдонлар қаторида унча-мунча таги-зоти паст, гапи катта-ю, виждони кичик, тўқим табиатлари ҳам учраб қолади. Ундай номардлар эркаклик шаънига доғ тушириб юришади, — дейман қалбим жўшиб. — Мана, ўзингиз ўйланг, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ изғиб нафақасидан қочиб ковакларда биқиниб юрган инсонни эркак деб бўладими? Ёки, топганини кўча-кўйда, ресторанда, курортларда сарфлаб, мечкай қорнини ош билан ароққа тўлдириб, базми-жамшиддан ортмаган, уйга келганда муштипар хотинига қўл кўтариб, бегуноҳ гўдакларини силталаган нокасу туллак кимсани эркак деб бўладими? Ёки, амалидан фойдаланиб, давлат «чўнтаги»дан моддий ёрдам инъом этиб, нав-ниҳол котибасини бағрига тортган, ёхуд илмий-тадқиқот ишларига ёрдам бериш, битта-яримта имзо чекиш, бироз юқори лавозимга кўтариб қўйиш баҳонаси билан қўл остидаги (баъзан ҳатто оилали) ходималарни хилватга судраган разил, таъмагир илмий раҳбарларни, шогирдларни тескари тарбиялаган ахлоқсиз домлаларни эркак деб бўладими?

— Лекин, бу ўринда масаланинг иккинчи томонини ҳам ўйлаб кўриш кераккa ўхшайди, — дейди даврамиздаги покдамон аёл. — Яъни, масалан, айтайлик, ўша ахлоқсиз амалдор ёки мунофиқ илмий раҳбар ўз қўл остидаги, набираси тенги ходимага «Қани, бу ёққа юр» деса, у кетавераркан-да? Улардаги шарм-ҳаё, уят, виждон қаёқда қолди? Ёки уларнинг эси пастроқми? Нега ўша бўйни йўғонни шапалоқ билан бир туширишмайди.

— Жуда тўғри айтасиз, — дейди кекса бир биродаримиз. — Айрим аёлларда ҳам унча-мунча айб бор. Улар оппоқ эмас. Улар нафс бандаси, кийиниш, тақиниш балосига мубтало бўлган суюқоёқлар. Улар ҳаётдаги ҳаром-ҳаришни, гуноҳ деган нарсаларни ҳам фарқлай олмай қолишган. Бу уддабуролар эртаю-кеч олғирлик йўлларини излашади. Пок оилалар пароканда бўлса, хахолаб кулишади. Орзу, ният, мақсад, тилакка эришишда виждонфурушлик йўлини тутишга одатланишган. Булар бахт ўғрилари.

— Мен ўтмишни ўйлаб қоламан. Марҳума бувим айтиб ўтирардилар. Қадимги пайтларда «ўшанақа» уйлар шаҳарнинг бир четида, баланд деворлар ортида жойлашган бўларкан. У кўчадан юриш у ёқда турсин, ҳеч ким ҳатто унинг яқинидан ҳам ўтмас экан. Ҳозирчи?..

Лекин, шундай бўлишига қарамай, бундай «эркинлик»нинг, «бебошлик»нинг сабабчиси барибир эркаклар деб ўйлайман. Нега деганингизда эркак кишини биз — падарибузруквор, мураббий, тарбиячи, ақл улашувчи, ҳаётда сарбон, киши руҳининг таянчи деб таърифладик. Бас, шундай экан, эркак йўлдан озишга ёки ёшларни йўлдан чиқаришга ҳаққи йўқ. Зеро, жамият унинг кетидан боради. Нафс кўйига, пул топиш, кийиниш кўйига кириб, йўлдан адашган, эгри йўлга кириб қолган қиз-жувонларни айнан эркак киши тўғри йўлга солиб юбориши, уларга ўгит-насиҳат қилиб, таълим-тарбия бериши лозим. У шунга бурчли!

Менинг бу фикримга даврадаги кўпчилик қўшилди. Бир ўқитувчи аёл деди:

— Ҳақиқатдан ҳам эр киши ҳар қадамини билиб босиши, масъулиятни хотинларга қараганда кўпроқ ҳис қилиши лозим. Ҳа-да, ота, оила бошлиғи, эр киши ёш авлодни ўзининг намуна бўлиши билан ҳам тарбиялаши даркор. Элни, жамиятни унга ишониб топширишади. Мен эркак шахсини — салобатли, ғурурли, йирик ва тўғри сўзли, адолатли, шафқатли, саховатли, ақлли инсон деб биламан. Эгри йўлга қадам босган эркак виждонини йўқотади...

Ҳамма дугона-биродарларимиз билан шу ҳақда дилкашона суҳбатлашарканмиз, хаёлимдан кўпгина фикрлар ўтди. Мен бу воқеаларни эшитиб баъзан донг қотиб қоламан. Нима дейиш мумкин, буни қандай шарҳлаш мумкин? Дейлик, қизларни, ёш жувонларни гоҳо зўрлаб, мажбур қилиб турмушга беришибди, ёқтирмаган эркакка олиб беришибди, деган гапни деярли эшитмаганмиз. Дарвоқе, отасининг молдунёсига учиб, таъма, манфаат юзасидан ўз истак-хоҳиши билан севмаган қизига уйланган йигитлар учраши мумкин. (яъни, ҳеч ким йигитни мажбур қилмайди). Айнан ўзи рози бўлиб, кўриб, билиб, синаб, севиб олган ҳалол хотинини бир йил-ярим йилда дарров ёқтирмай қолишини, характерлари «тўғри келмай» «пуф сассиқ»қа чиқаришини, ҳатто уйидан ҳайдаб, унинг кўзини бақрайтириб туриб бошқа «жонона»нинг сочини силашини ёки оилани ўйинчоқдек ташлаб кетишини қандай баҳолаш мумкин? Ёш жувоннинг ҳаёт мазмуни, дунёдаги энг муқаддас нарсаси — унинг қайноқ оиласи ва севикли эри эди-ку. «Ҳаётимнинг охиригача менга умр йўлдоши бўлади, севинч ва ташвишларимни ўртоқлашадиган маслаҳатгўйим, ишончли сирдошим бўлади», деб унга пок муҳаббатини ишониб топширган, умид билан бир ёстиққа бош қўйган эмасдими? Орзиқиб етишган мўътабар оиласининг бузилишини истармиди у? Бу йўлда унинг ҳали қанча орзулари бор эди-ку. Дафъатан унинг ишонган боғи, суянган тоғи, дил тўрида эъзозлаб авайлаган ноёб мўъжизаси заҳарли илон бўлиб чиқса! Бир зумда ашаддий душманга, олчоқ мунофиққа айланиб туҳмат тошларини ёғдирса, ҳур севгисини тупроққа қориб топтаса!.. Ахир бундан ортиқ жазо, ноҳақлик борми дунёда?

Оиланинг бузилиб, пароканда бўлиб кетаётгани аёлларга нисбатан шафқатсиз муносабатлар ҳозирда ҳам анча-мунча учраб турибди. Бундай нохуш воқеалар юз беришида кўпинча эркакларнинг пулга ружу қўйиши, ичкилик ичиши, нопок юриб кўнгиллари эски ёрдан кечиб, «янги» ёрга кўнгил беришлари сабаб бўляпти. Оилаларнинг ажрашиб кетишига баъзи «суюқ оёқ» аёлларнинг хунук хатти-ҳаракатлари, ҳаёсизликлари ҳам олиб келяпти, Беҳаёлик эса — аёл зотига иснод келтиради, эр кишининг кўпчилик ўртасида бўйнини хам қилиб, иззат-нафсини ерга уради.

Аёллар даврасидаги суҳбатимизда ҳар биримиз эркакларни — чин эр кишиларни ҳам, вафодор аёлларни ҳам улуғлаб, эр-хотинни — бирини қуёшга, бирини ойга қиёс этдик. Ниятимиз, бирлари қуёш, бирлари ой бўлиб ўз оилаларини, ҳаёт йўлларини, бола-чақаларининг умрларини доимо нурафшон этишсин!

**Мақсуда СОДИҚОВА,**
**филология фанлари номзоди.**



Она табиатга интилиб.

Н. Шарипов сурати.

Болалар боғи

# Дил калити

Даладан қайтган Асом ака ҳовлига кирди-ю, баҳри-дили очилиб кетди. Сўрининг тагига ариқчалар тортилиб, ош ва садарайҳонлар экилган. Икки бўйралик жойдаги барра пиёзлар ўтлар қисувидан қутулганиданми, дарров бўй кўрсатибди. Силкиниб яйрайди.

— Дилорнинг иши шекилли, ҳой онаси. Дуруст, дуруст.

— Сизу-мендан ўтиб қаёққа борарди, — деди ошхонада ун элаётган Нури опа.

— Ҳаммаёқ чиройликми, а, адавой, — деди пиёздан чиққан ўтни қўйига бераётган Дилор.

— Ҳозир ойингга шуни мақтаб турувдим, — дадаси ниманидир ўйлаб, бошқа гапирмади. Самимий жилмайиши зўрма-зўраки, сохта жилмайишга айланиб борарди. Ҳар сафар қизининг яхши ишини кўрса, ошириб-тошириб мақтарди-ку ўзига. Қизиқ, бу сафар?..

— Райҳонларнинг баъзиларини сал қийшиқроқ экибманов, шулари ёқмади-а, сизга, — аввалги мақтовларни қўмсаган Дилор уч-тўртта райҳон кўчатини тўғрилаб қўйгандек бўлди.

— Бекор овора бўлаяпсан. Ёмон деяётганим йўқ-ку ишингни, — дағалроқ оҳангда деди дадаси.

— Чарчабсиз-а? Далада иш кўпмиди? Қарашворардик айтсангиз.

Ҳовлидаги жимликни эшикдан кириб келган кенжатой қизининг сўзи бузди.

— Ассалому алайкум, адажон!

— Ваалайкум ассалом. Бахтли бўлинг...

— Ассалому алайкум ойижон!

— Ваалайкум ассалом! — яйраб кетди Нури опа ҳам.

— Опангга ҳам салом бергин. Зора салом бериш эсига тушса, — деди Асом ака кўнгли очилиб.

— Бир сафар эсимдан чиқибди-да, сизга салом бериш, ада, — ерга қараб деди Дилором синглисининг саломига алик олгач.

— «Салом» — сўзларнинг энг улуғи экан. Бир сафар саломинг бўлмовди, шунча қилган яхши ишларинг ҳам кўнглимни очолмади-я. Салом дилнинг калити экан.

Дилор энди дадасими ё ойиси, ким бўлмасин, у билан кўришганда энг олдин салом беришни кўнглига тугиб қўйди.

**Ғани АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент область Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхозининг боғбони.**

Оқшом суҳбатлари

# Ҳаёт шарбати

Кўпчилик катта кишилар сут ва сут маҳсулотларини унчалик хуш кўришмайди. Болалар эса сутни мириқиб ичишади, айниқса она сутини! Чиндан ҳам дунёда ҳеч бир ноз-неъмат бола учун она сути ўрнини боса олмайди. Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» номли шоҳ асарида шундай ёзган: «Одам учун энг яхши сут хотин сутидир... Энг яхши сут оппоқ ва бир хил қуюқликдаги сутдир, уни тирноқ юзига томизса, туриб қолади ва ундан оқиб тушмайди. Сутда ҳеч қандай бошқача маза, яъни аччиқ, нордон ва ўткир маза бўлмаслиги, ёқимсиз ва ёт ҳидлар бўлмаслиги керак... Сут хилтларни мўътадиллаштиради, баданни бақувват қилади, семиртиради. Сут кўпинча ўз ишини ични суриш ва ичаклардаги чиқиндиларни чиқариб ташлашдан бошлайди, сўнгра озиқлантиради ва баданга тарқатиб ич яна тўхтайди...»

Ҳаёт шарбати ҳисобланган сутнинг ажойиб хусусиятлари бор. Сут одам пайдо бўлгандан бери истеъмол қилиниб келинаётган энг қадимги озиқ-овқат маҳсулотларидандир. Турли ҳайвонларнинг сути билан турли хасталиклар даволаниб келинган. Орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг, замонавий аппаратлар ёрдамида сутнинг хусусиятлари ўрганилиб, бундан шундай хулоса чиқдики, Ибн Сининг сут ҳақидаги фикрлари тамомила тўғри экан. Сутдаги ёғ ва қанд моддаси ҳам инсон организмига енгил сингийди. Сут ёғи таркибида 30 дан ортиқ ҳар хил кислоталар бор. Бошқа хил ёғларда эса мазкур кислоталар ниҳоятда кам бўлади ёки мутлақо бўлмаслиги мумкин.

Жониворлар сути ташқи кўринишидан бир-биридан деярли фарқ қилмаса-да, лекин таркибий қисмлари хилма-хил. Айниқса, буғунинг сути кўп хосиятларга эга. Серёғлиги, минерал тузларга бойлиги жиҳатидан бу сут қаймоқ билан тенг туради.

Очиқ гап, кўпчилигимиз эчки сутини ёқтирмаймиз, лекин бу сут таркибий жиҳатдан сигир сутидан анча устун туради. Ундаги ажойиб маъдан-модда инсон организмига тезда сингий олади. Шунинг учун бутун Кавказда эчки сутини истеъмол қилиш анъанавий тус олган.

Одамлар доим сут-қатиқ билан овқатланадилар. Сутдаги ферментлар дармондорилар таркибида бўладиган сут қанди билан юрак, жигар ҳамда буйракнинг бир меъёрда ишлашини таъминлайди. Сут ичиш учун иштаҳанинг кераги йўқ. Сув ўрнига ёки чанқоқни қондириш учун ичилган сутнинг жуда фойдали бўлишини унутмаслик керак.

Шуни айтиш керакки, кимё жадвалидаги ҳамма модда-маъданлар сутда мужассам. Янги соғилган сут бактерицедлик хусусиятига ҳам эга, яъни ўзига тушган бактерияларнинг кўпайишига тўсқинлик қилади. Бу хусусиятни сақлаш мақсадида янги соғилган сут совутилади. Бу ҳолат 10 даража ҳароратда сақланса, 24 соатгача тураверади. Хона ҳароратида оддий сутни бир суткадан ортиқ сақлаш мумкин эмас.

Бозордан сотиб олинган сутни албатта, қайнатиш керак, чунки унда сил, куйдирги, қорин тифи, полиомиелит, дизентерия ва бошқа касалликларни қўзғатувчи микроблар бўлиши мумкин. Сутни сирли идишда қайнатиш тавсия этилади. Сут куймаслиги (тагига олмаслиги) учун пишириладиган идишни совуқ сувда чайқаб олиш керак. Сутни алюмин идишда узоқ сақлаш ярамайди, чунки бунда сутнинг мазаси айнийди.

Одатда, нимагадир сутни ёғлилик даражасига қараб баҳоланади. Ваҳоланки, сут таркибидаги оқсиллар бебаҳо неъматдир. Баъзи кишилар, хом сутни ичса бўлаверади дейишади. Уларнинг фикри тўғри, аммо сигир соғлом бўлишига ишонч ҳосил бўлгандагина ичиш мумкин. Хом сутни меъда шамоллашида, сурункали колит, энтерит каби хасталикларда ичиш тавсия этилмайди. Шундай соғлом кишилар борки, хом сутни ичсалар нохушлик сезадилар. Бунга улардаги лактоза ферментининг етишмаслиги сабаб бўлади. Сутда асосан лактоза — сут шакари бўлади. Лактоза — фермент эканлигини фарқлаш даркор. Сутни кўтара олмасликларига лактоза ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда сут-қатиқ маҳсулотларини ичган маъқул.

Европада катта ёшдаги аҳолининг 5 фоизи сутни умуман истеъмол қилмаслиги маълум бўлди. Сутни истеъмол қилганда эса, уларда меъда-ичак системаси фаолиятининг бузилиши намоён бўлар экан. Сут шакари — лактоза молекулалари лактоза ферментининг етишмаслиги ёки йўқлиги учун парчаланмайди. У микроорганизмлар иштирокида ачиб, ичакда турлича зарарли, заҳарли моддаларни ҳосил қилади. Организмнинг заҳарланиши, кишиларнинг бемаврид ҳалок бўлиш ҳоллари ҳам рўй берган.

Сут шакари дисахаридлар группасига мансуб бўлган углеводдир. Номи шакар бўлса-да, унчалик ширин эмас. Лактоза эчки сутида 7 фоиз, сигир сутида 5 фоиз, она сутида 7 фоиз бўлади. Сут шакарининг организм фаолиятидаги аҳамияти беқиёс. У қувват манбаи, озиқларни ўзлаштиришда ижобий таъсир кўрсатади.

Қаймоғи олинмаган сут ёки сут-қатиқ маҳсулотидан ҳар куни ярим литр ичилса, одамнинг оқсилга бўлган суткалик эҳтиёжининг 35 фоизига яқин миқдори қопланади. Шу билан бирга, ўрнини алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарга организмнинг эҳтиёжи маълум даражада қондирилади, одатда бу аминокислоталар ўсимлик маҳсулотлари оқсилида етишмайди.

Сут оқсили ҳомиладор аёллар овқатида катта аҳамиятга эга. Сут маҳсулотларидан творог қимматли ҳисобланади. Творог истеъмол қилинганда сутни ичиш тавсия этилмайди. Чунки бу маҳсулотларда кальций кўп бўлиб, организмда кальций алмашинувини бузади. Шу билан бирга, творог ва сутда темир ва витамин С оз миқдорда бўлади. Пировардида дармондори етишмаслиги ва камқонлик юзага келиши мумкин. Творогни кунига 100 граммдан истеъмол қилиш тавсия этилади.

Сут — ҳаётнинг бебаҳо чашмасидир. Унинг хосиятлари борасида изланишлар давом этмоқда, яқинда сутнинг яна 2 та хосияти борлиги аниқланди. Биринчидан, сутнинг ухлатувчи хусусияти борлигини англиялик шифокорлар аниқлашди. Яхшироқ ухлаш ниятида кечаси бир стакан иссиқ сут истеъмол қилиш англияликлар учун анъанага айланган. Кечасига бир стакан иссиқ сутни ичса одам тиниқиб ухлайди. Иккинчи янги хосияти — бу тишни кариесдан ҳимоя қилиб, даволайди. Мельбурн университети (Австралия) доктори Эрик Рейнолдс ўн йил текширишлар олиб бориб, ана шундай хулосага келди. Сутда тишни кариесдан сақловчи модда ҳам бор экан. Сутли шоколад бошқа ширинликка нисбатан кариесни озроқ ривожлантиради. Изланиш шуни кўрсатдики, сутдаги казеин оқсили профилактик хусусиятга эга экан. Кейинчалик шу текширув асосида аниқ бўлишича, казеиннинг молекула қисми билан кальций ва фосфит бирикканлиги роль ўйнайди. Бу моддалар тишнинг асосий материали компонентини ташкил этади. Қанд тишни емирганда оқсил молекуласи тиш эмалига зич бирикиб, микроблардан халос этади. Сал жароҳатланган эмални молекуладаги кальций ва фосфат ионлари тиклайди.

Сутдан ичимлик тайёрласа ҳам бўлади. Бунинг учун яримта лимон, 100 грамм пишлоқ, 1 дона тухум, ярим стакан совуқ сут солиб тайёрланса, ажойиб ичимлик бўлади. Болалар учун: 1 литр кефирга қулупнай ёки малина, 2 ош қошиғида қанд солиб тайёрланган ичимлик ҳузур бахш этади. Сутнинг нақадар фойдали неъмат эканлигини тушуниш, қадрига етиш учун улардан оқилона фойдаланиш зарур. Чунки сут каттаю-кичик, касалу-соғ — ҳамма учун ичишга табиат инъом этган бебаҳо неъматдир.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**фарғоналик доришунос.**

Минг бир касб

# ҲУСН БАҒИШЛАБ

— Менинг сочимни чиройли турмаклаб қўйсангиз, — дея тўладан келган жувон ойна рўпарасидаги ўриндиққа келиб ўтирди. Роза опа унинг бош тузилишини, сочини, юзини бир зум синчиклаб кузатди-да, қўлига қайчи ва тароқни олиб ишга тушиб кетди. Орадан ярим соатлар ўтар-ўтмас аёл кўзгуда ўзини кўриб ҳайрон бўлиб қолди: «Наҳотки, шу мен бўлсам!?» — Аёл устага миннатдорчилик билдириб, чиқиб кетишга улгурмасдан, бу сафар ёш келинчак келиб ўтирди.

— Бугун туғилган куним. Фақат сизга ишонаман, Роза опа.

Ҳа, ҳақиқатан, шинамгина бу сартарошхонага тасодифий эмас, кўпроқ доимий мижозлар қатнашади. Ҳар куни тонгданоқ кимдир ишга, кимдир тўйга, кимдир учрашувга шошилади. Улардан эса ўрта бўйли, хушрўйгина, оппоқ халати бўйбастига ярашиб турадиган хушфеъл, камтарин бу аёл ҳамма вақт очиқ чеҳра ва одоб билан кутиб олади. Мана ўн йилдирки, у хизмат қилган мижозларнинг бирортаси норози бўлиб чиқиб кетгани йўқ. Ҳамма ундан хурсанд.

Роза опа сочни чиройли қилиб турмаклаш учун бутун санъатини ишга солади. Кўнгилдагидай, чиройли чиқса ҳаммадан олдин ўзи севинади. Шу туфайли бўлса керак, бир бор унда бўлган одам, доимо шу ерга келадиган бўлади.

Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтиданоқ бу касбга қизиқди. Мактабни битиргач, шу соҳада ишлашга уйдагилари рухсат беришмади. «Кенг истеъмол моллари» бирлашмасида аппаратчи бўлиб ишлади. Болаликдан ҳаваси кучайса кучайдики, асло сўнмади. Натижада 14 йиллик меҳнат стажи билан «Маиший хизмат кўрсатиш» комбинатига ишга кирди. У дуч келган ишни бажариб кетаверди. Бўш вақти бўлди, дегунча моҳир усталарнинг ишини кузатар, иш вақти тугаса ҳам уйга кетишга шошилмасди. Қизнинг тиришқоқлигини сезган устози ҳунарининг бутун сир-асрорини эринмай ўргатар эди. Машаққатли кунлар ортда қолди.

Мустақил иш бошлаш олдидаги ҳаяжонини айтмай қўяқолайлик. Мана энди ўзи моҳир уста. Касбига чин юракдан меҳр қўйиши, тинимсиз изланиши натижасида обрў-эътибор топди. Меҳнатдаги ютуқлари учун бир неча марта шаҳар маиший хизмат бошқармаси томонидан фахрий ёрлиқлар ва пул мукофотлари олди. Лекин барчасидан ҳам аъло мукофот мижозларининг: «Фақат сизга ишонаман, Роза опа», — деган дил сўзларидир.

Дарҳақиқат, шаҳар маиший хизмат бошқармасига қарашли Октябрь районидаги 25-ҳаммом қошида очилган аёллар сартарошхонасида хизмат қилувчи Бунтова Роза Григорьевнани катта-ю, кичик оддийгина: «Бизнинг Роза опа» деб ардоқлашади.

**Д. ЗОКИРОВА.**

# Муҳаббат

Шингил ҳикоя

— 1 —

Гўзал учрашув кунини орзиқиб кутганди. Уни ҳар гал кўз олдига келтирганида юраги шундай урардики, гўё бошқалар ҳам эшитаётгандек туюларди унга.

Уни илк марта футболчилар институтга меҳмон бўлиб келишганида кўрганди. Факультет декани йигирмага яқин қизни чақириб ҳар бир ўйинчига гулдаста топширажакларини айтди. Йигитлар залга кириб келишгач, қўлларида гул тутган қизлар уларга пешвоз чиқишди. Буни қарангки, Гўзалнинг рўпарасида шу йигит турарди. Уятчан экан, қизариб «Раҳмат» деди. Қиз ҳам кўзларини ундан олиб қочди.

Кейин бир домла меҳмонларни бирма-бир таништира бошлади: команда катта устози... ўйинчилар... Жаҳонгир Қодиров! Зал давомли қарсакларга кўмилди.

Кейин учрашишди, ундан кейин яна. У терма команда сафига кетди-ю, ҳижрон онлари бошланди. Шу бир ой Гўзал учун йилга тенг бўлди. Жаҳонгир қолдирган номерга — спорт базага ҳар куни қўнғироқ қилади. «Ҳали келгани йўқ» дейишади. Ниҳоят бир куни гўшакни ўзи кўтарди. «Кечагина келдим, — деди энтикиб. — Жуда кўргим келяпти. Қачон кўришамиз». Қизнинг тилига сўз келмасди. «Айта қолинг Гўзалхон». Йигитнинг ёлвориб гапиришидан этлари жимирлади. «Шанба куни, ўша жойда», деёлди, холос. «Шан-

— 2 —

ба куни дейсизми? Алло...» Гўзал қолган гапни эшитмади. Алоқа узилди. Қайта қўнғироқ қилмоқчи бўлди, қани энди икки ёки ўн тийинлик топса. Орадан беш-ўн дақиқа ўтгач фикридан қайтди, тортинди.

Шанба куни не-не орзулар оғушида борганди. Келмади. Бир соат кутди-я. Ўтиб кетаётган йигитларнинг «Мани кутмиётувмидиз, асал қиз» деб гап отишларига ҳам чидади. Аммо ундан дарак бўлмади. Уйга йиғламсираб қайтаётиб, дугонасининг гапини эслади: «Шаҳарма-шаҳар юришади, қизи кўп бўлади буларни». Тўғри, — алам билан ўйлади Гўзал — ҳали мендақадан нечтасига сўз берганийкин? Бас энди».

Сешанба куни биринчи танаффусда ўша дугонаси ҳаллослаб келди. «Йўлак бошида турипти, кимдан сўрарини билмай».

— Бориб айт, фотиҳаси бўлибди, кейинги ойга тўй бўлар экан де.

— Вой ишонмаса-чи... Гўзал...

— Шошма бўлмаса, хат ёзиб бераман.

Дугонаси қийқириб келди. «Гаплашсам бўладими деганди, кечаги шанбада яхшиям бормаб-

— 3 —

сиз, куёв орқасидан кузатган экан дедим. Шалвираб тушди бечора».

Гўзал кўз ёшларини тўхтатолмади. Сумкасини олди-ю, ташқарига отилди. Жаҳонгир пастда турган экан. Аввалига уни кўрмади. Таниш овозни эшитиб тўхтади.

— Шу ростми, Гўзал?

— Рост. Иккинчи келманг...

Икки-уч кунгача кўнглига ҳеч нима сиғмади. Ҳеч ким билан гаплашмади. Учинчи кун кечки пайт ҳовлини наридан-бери супурди-да, дарс қилишга ўтирди. Йўқ, юрагига сиғмади. Телевизор қўйди. Футбол берилаётган экан. Кўзлари беихтиёр Жаҳонгирни қидира бошлади. Шарҳловчи унинг ҳам номини тилга олармикин деб қулоқ тутди. «...Ўтган шанба куни сафардаги ўйинда Жаҳонгир иккита тўп киритганди. Негадир бугун ҳеч киришиб кетолмаяпти. Мана, яна тўпни олдириб қўйди».

Гўзал ўрнидан туриб кетаёзди. Бундан чиқди шанба куни Тошкентда бўлмаган экан-да. «Нега шуни келганида айтмади. Гапиришга қўйдимми ўзим».

Яна орзиқиб кута бош-

— 4 —

лади. Эртасига ҳам, индинига ҳам ундан дарак бўлмади. Дарсдан кейин дугоналари уни киноuа судрашди. Троллейбусдан тушди-ю, кўзи футбол афишасига тушди... «... август соат 19 да...» Ўқиди-ю, фикридан қайтди. Ўзини ёмон ҳис этаётганини баҳона қилиб кинога кирмади. Стадион яқинида одамлар кўпая бошлади. Анча айланди. Бир милиционердан футболчиларни қаердан топиш мумкинлигини сўради. «Ҳали келишмагандиров, — деди у. — Орқа томонга ўтсангиз, ўша ёқдан автобусда келишади». Тез-тез юриб стадион ярмини айланиб ўтди. Эшик оғасидан бориб сўради. Ҳали келишмабди. Бир соатдан кўп кутди. Ниҳоят қизил автобус кўринди. Атрофда турган ишқибозлар «келишяпти, келишяпти», дейишди. Гўзалнинг юраги ҳаприқиб кетди. Автобус келиб тўхтади, яқинлашишга журъат этмай жойида тураверди. Ундан учинчи бўлиб Жаҳонгир тушди. Қизни кўрмади. Бир-бир босиб бино томон кетаётганида чақиришга мажбур бўлди.

— Жаҳонгир ака!

Жаҳонгир ортига қаради, кўзларига ишонмади шекилли, бироз туриб қолди, сўнгра учиб келди.

— Хайрият, энди нима қиламан деб дунёга сиғмай юрган эдим. Биласизми... мен... мен... Қандоқ тушунтирсам экан...

— Ишонаман, — оҳиста деди қиз.

**Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.**



Биз билан ўйнайсанми, балиқжон.

В. Титов сурати. (ТАСС фотохроникаси).

# Адабий саёҳат

Ўзбекистон пойтахтида бошланган Вьетнам китоблари ўн кунлигида қатнашган кишилар Меконг ва Хонгх соҳилларига, Ханой, Хошимин, Хайфон шаҳарларига сиртдан саёҳат қилиш имкониятига эга бўлдилар. Ўн кунлик Вьетнам Социалистик Республикасининг миллий байрами — мустақиллик эълон қилинган кунга бағишланган.

Халқлар дўстлиги музейида ВСР нашриётлари чиқарган китоблар, шунингдек вьетнамлик муаллифларнинг рус тилидаги асарларидан кўргазма очилди. Коллекционерлар эса ипакдан тайёрланган вьетнам открит-каларини қизиқиб томоша қилишмоқда.

Тошкент ўқув юртларида таълим олаётган вьетнамлик талабаларнинг ўз ватанлари ҳақидаги ҳикоялари кўргазмадаги экспонатларга қўшимча бўлди. Ўн кунлик доирасида китобхонлар конференциялари, вьетнам адабиёти кечалари ўтказилади.

(ЎзТАГ).

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

